



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**  
**FARG‘ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI**  
**O‘ZBEKISTON TUMAN ADLIYA BO‘LIMI**  
**YURIDIK XIZMAT KO‘RSATISH MARKAZI**

151800, O‘zbekiston tumani, Yaypan shahar, Ziyokor ko‘chasi.  
Tel: (99873) 539 15 38, el.pochta: uzbekiston.t-yurmarkaz@adliya.uz

2022-yil 05-sentabr

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING**  
**QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA**  
**HUQUQIY XULOSA**

**1.Loyihaning turi** : Shartnoma.

**2.Loyihaning nomi:** Mahsulot yetkazib berish shartnomasi.

**3.Loyihani ishlab chiqqan tashkilot:** O‘zbekiston tumani Xalq ta‘limi bo‘limi.

**4.Loyiha yuzasidan ma‘lumot:**

O‘zbekiston tumani Xalq ta‘limi bo‘limi va "BUILD TOWN UNIVER" mas‘uliyati cheklangan jamiyati o‘rtasida jami qiymati 56 000 000 so‘m bo‘lgan tuman 7-maktab atrof devorini mukammal ta‘mirlash yuzasidan ishlab chiqilgan “Pudrat shartnomasi” to‘g‘risidagi shartnoma loyihasi huquqiy xulosa olish uchun taqdim qilingan.

O‘zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi “Xo‘jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi Qonunning 5-moddasiga asosan yuridik shaxslar, shuningdek yuridik shaxs tashkil etmagan holda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan jismoniy shaxslar xo‘jalik shartnomalarining subyektlari (taflari) bo‘ladi.

O‘zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi “Xo‘jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi Qonunning 10-moddasi birinchi qismiga ko‘ra, xo‘jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdagi shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taflardan birining arizasiga ko‘ra o‘zaro kelishuvga erishish lozim bo‘lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutishi kerak. Shartnoma loyihasida mazkur Qonun talablariga amal qilingan holda mazkur shartlar nazarda tutilgan.

Fuqarolik kodeksining 108-moddasiga asosan yuridik shaxslarning o‘zaro bitimlari oddiy yozma shaklda tuzilishi belgilangan. Taqdim etilgan shartnomasi oddiy yozma shaklda tuzilgan. Shartnomaga shartnoma tuzish vakolati bo‘lgan mansabdor shaxs tomonidan imzolanishi lozim.

O‘zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi O‘RQ-684-sonli Qonunining 56-moddasi birinchi qismiga ko‘ra,

eng yaxshi takliflarni tanlash vositasidagi davlat xaridi quyidagi shartlar bir vaqtning o'zida bajarilgan taqdirda amalga oshiriladi:

g'olibni aniqlash mezonlari tovar (ish, xizmat) davlat xaridining nafaqat pul ifodasiga, balki miqdoriy va sifat bahosiga ham ega bo'ladi;

tovarning (ishning, xizmatning) qiymati bir shartnoma bo'yicha bazaviy hisoblash miqdorining yigirma besh ming baravarigacha (budget buyurtmachilari uchun olti ming baravarigacha) bo'lgan miqdorni tashkil etadi.

Mazkur Qonunning 62-moddasi birinchi qismida "Takliflarni taqqoslash natijalariga ko'ra xarid komissiyasi tanlash g'olibini aniqlaydi va tanlash o'tkazish natijalarini bayonnomada aks ettiradi." deb belgilangan.

O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi xarid komissiyasining 2022-yil 30-avgustdagi 141787-sonli bayonnomasiga asosan 49-maktabga asosiy vositalar sotib olish yuzasidan o'tkazilgan tanlovda " BUILD TOWN UNIVER " mas'uliyati cheklangan jamiyati tanlov g'olibi deb belgilangan.

"Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonunning 63-moddasi birinchi qismiga asosan tanlash natijalariga doir shartnoma tanlash bo'yicha xarid qilish hujjatlarida va o'zi bilan shartnoma tuzilayotgan tanlash ishtirokchisi tomonidan taqdim etilgan taklifda nazarda tutilgan shartlar asosida tuziladi.

Taqdim etilgan hujjatlarni o'rganib, yuqoridagilarga asoslangan holda

### **XULOSA QILAMAN:**

O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi va " BUILD TOWN UNIVER " mas'uliyati cheklangan jamiyati o'rtasida jami qiymati 56 000 000 so'm bo'lgan "Mahsulot yetkazib berish shartnomasi" to'g'risidagi shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq hisoblanadi.

**Markaz bosh yuriskonsul'ti**



**B.Turg'unov**

6-сентябрь 2022 йил

Ўзбекистон

Туман

Ўзбекистон тумани ХТБ номидан раҳбар Н.Сиддикова, бундан буён бир томондан "Харидор" деб юритилади, лизом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан **BUILD TOWN UNIVER MCHJ** номидан раҳбари Ю.Мадрахимов лизом асосида иш юритувчи бундан буён "Сотувчи" деб юритилади ва қуйидагилар ҳақида ушбу шартнома тузилади.

### 1. ШАРТНОМА МОХИЯТИ

1.1. «Сотиб олувчи» қуйидаги махсулотларини етказиб бериш учун буюради, «Етказиб берувчи» эса мазкур махсулотларни етказиб бериш ишларини бажаради.

Махсулотлар қуйидаги ассортиментда ёки спецификацияга асосан етказиб берилади

№	Махсулот номи	Улчов бирлиги	микдори	нархи	суммаси
1	3 уридикли стул	дона	24	1150000	27600000
2	Шкаф катта	дона	2	5600000	11200000
3	Шкаф кичик	дона	1	5000000	5000000
4	Кресло	дона	1	4900000	4900000
5	Стул	дона	2	650000	1300000
6	Стул офисный	дона	1	800000	800000
7	Гумба эшикли	дона	1	1200000	1200000
8	Гумба тормалли	дона	1	500000	500000
9	Мажлислар столи жами	дона	1	3500000	3500000
					56 000 000

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси 56 000 000 (ЭЛЛИК ОЛТИ МИЛЛИОН СУМ)

### 2. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. «Сотиб олувчи» махсулот учун олдиндан 30% микдорда аванс туловини шартнома имзолангандан сунг 3(уч) кун, ҳамда тулик хисоб-китобни 10(ун) кун ичида пул утказиш йули билан туловни амалга оширади.

2.2. «Етказиб берувчи» махсулотни етказиб бергандан сунг, хисобважарак-фактураларига асосан етказиб берилган махсулот қиймати учун 70% «Сотиб олувчи» пул утказиш йули билан туловни амалга оширади.

2.3. Махсулотлар учун нарх узаро келишилган ҳолда белгиланади. Агар Давлат назорат органлари томонидан утказилган текшириш ва тафтиш ишлари натижасида етказиб берилган махсулотларига белгиланган нархлар юқори деб топилса, ушбу фарқ «Етказиб берувчи» зиммасидан копланadi.

2.4. Ишлаб чиқарувчилар учун махсулотнинг калькуляцияси ва баҳолар прејскуранти асосида нарх белгиланади.

2.5. Нарх-наволарнинг узгариши, энг кам ойлик иш ҳақининг кутарилиши ёки камайиши пулнинг қадри эзиланиши оқибатида шартнома қиймати «Етказиб берувчи» томонидан қайта қуриб чиқилади ва «Сотиб олувчи» томонидан янги нархлар буйича хисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

### 3. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

3.1. «Етказиб берувчи» мазкур шартнома қонуний қучга киргандан сунг товарни 3 (уч) кун муддат ичида «Сотиб олувчи» манзилгоҳига етказиб беради ва транспорт харажатларини уз зиммасига олади.

### 4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. «Етказиб берувчи» «Сотиб олувчи»нинг вақилига, муассаса раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган ҳамда юмолук муҳр босилган ишонч қогози қурсатилгандан сунг махсулот беради.

4.2. «Етказиб берувчи» махсулот сифати ва микдорига тулик қафолат беради.

4.3. «Сотиб олувчи» шартномада қурсатилган махсулотни сифати, нави ва қатегорияси талабга жавоб берган ҳолатдагина уни қабул қилиб олади.

4.4. «Сотиб олувчи» қабул қилиб олган махсулотни шартнома талабларига номувофиқлигини аниқлаган ҳолда «Етказиб берувчи»га ёзма далолатнома юборади, ҳамда сифатсиз деб топилган махсулотни «Етказиб берувчи»га қайтариб беради.

4.5. «Етказиб берувчи» «Сотиб олувчи»га унинг ишонч қогозида қайд қилинган махсулотларни беради. Агар «Етказиб берувчи» томонидан «Сотиб олувчи»нинг ишонч қогозида қурсатилмаган махсулотларни, ёки махсулотларни ишонч қогозида белгиланган микдоридан ортиқ берган ҳолларда, бу махсулотлар учун «Сотиб олувчи» томонидан қайтариб берилади ёки бу махсулотлар учун ҳақ туланимайди.

4.6. «Етказиб берувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га сифатсиз махсулотлар етказиб берилса, бу махсулотлар «Етказиб берувчи»га қайтариб берилади ёки бу махсулотлар учун ҳақ туланимайди.

«Етказиб берувчи» етказиб берган махсулотларни хисоб варақларда тулик ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошка курсаткичларини курсатиши, шунингдек, хисоб – варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тулик расмийлаштирилиши шарт. Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари курсатилмаган хисоб- варақлар буйича тулов амалга оширилмайди.

## 5. МУЛКНИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Агар «Етказиб берувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га сифатсиз, ёки саклаш муддатлари утиб кетган махсулотларни етказиб берилган ҳолда «Сотиб олувчи» «Етказиб берувчи»дан бундай

махсулотларни умумий қиймати 20% жарима куллаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.2. Агар «Етказиб берувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га белгиланган махсулотлар белгиланган муддатларда етказиб берилмаса, «Етказиб берувчи» муддати утган ҳар бир Қун учун кечиктирилмаган махсулот қийматининг 0,5% миқдоридан лекин кечиктирилган махсулот қийматининг 50% дан ошмаган ҳолда «Сотиб олувчи»га пеня тулайди.

5.3. Агар «Сотиб олувчи» «Етказиб берувчи»дан олинган махсулот пулини белгиланган муддатда тулаб бермаса, муддати утган ҳар бир қун учун кечиктирилган сумманинг 0,4% миқдоридан, лекин кечиктирилган туловнинг 50% ошмаган миқдорда пеня тулайди.

5.4. Жарималар туланиши «Етказиб берувчи»ни шартномада белгиланган мажбурлигларини бажарилган оғоз этмайди.

## 6. ФОРС – МАЖОР ХОЛАТЛАР

6.1. Шартнома тузилгандан сўнг табиий офатлар (ер кимираши, сув тошқини, ёнгин, эпидемия), уруш, ҳукуматнинг норматив – ҳуқуқий ҳужжати, томонларни хохишидан қатъий назар бажара олмайдиган ҳолатлар вужудга келган тақдирда шартноманинг вазифалари бажарилмаса икки тараф ҳам жавобгар бўлмайди.

## 7. ШАРТНОМА МУДДАТИ

7.1. Шартнома «Фуқаролик кодекси»нинг 366-моддасида курсатилган талаблар бажарилганда ва иккала томонлар имзолангандан сўнг қучга қиради.

7.2. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил «6» сентябрь – 2022 йил «31» декабрь.

7.3. Шартнома томонлар қелишувига асосан, «Етказиб берувчи» томонидан етказиб берилган махсулот «Сотиб олувчи» томонидан сифатсиз деб топилганда ва «Етказиб берувчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1, 4.2, 4.3, - бандлари бажарилмаганда шартнома «Сотиб олувчи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Бекор қилинганлиги тугрисида «Сотиб олувчи» «Етказиб берувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган хат билан маълум қилади.

## 8. ҚУШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. Шартнома юзасидан қелиб чиққан низолар узаро ҳал қилинади. Агар узаро ҳал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосан Иқтисодий судлари орқали ҳал қилинади.

8.2. Шартнома икки нусхада тузилиб, ҳар бир нусха тенг юридик қучга эга бўлиб томонларда бир нусхадан сакланади.

8.3. Шартномага барча узгартиришлар иккала томонлама қелишилган ва шартнома қушимча битим имзоланиб ЮХК маркази томонидан қўриб чиқилгандан сўнг қонуний деб ҳисобланади.

8.4. Шартнома икки томонлама имзоланиб Газначилик бошқармалари (булим)да рўйхатдан утказилгандан сўнг қонуний қучга қиради.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Етказиб берувчи»

«Сотиб олувчи»

**BUILD TOWN UNIVER MCHJ**

Ўзбекистон тумани ХТБ

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил : Яйпан шаҳри Зиёкор 102

Манзил : Фарғона вилояти Ўзбекистон

тумани соҳепа МФЙ

ХР: 20208000205511361001

ИНН: 309432642

ш/х\* 100022860302307092100075071

МФО 00533

Ўзбекистон

тумани

Агробанк

Тел: 91 144 7377

Раҳбар:



бюджетдан маблағ олувчи СТИРи

200489130

Ўзбекистон Республикаси номи Ўзбекистон тумани

Газначилик бошқармалари (булим) 0000001010

Манзил : Яйпан шаҳри Зиёкор 102

МФО 0011

Газначилик бошқармалари СТИРи 201122919

Раҳбар

Н.Сиддикова



ТАСДИКЛАЙМАН  
Ўзбекистон тумани Халқ таълими бўлими мудири (комиссия раиси)  
Н.Сиддикова

Ўзбекистон тумани Халқ таълими бўлими  
Харид комиссиясининг

24-СОНЛИ МАЖЛИС БАЁНИ

2022 йил 06-сентябрь

Яйпан шаҳри

<u>Раислик қилувчи:</u>	
Н.Сиддикова	- Халқ таълими бўлими мудири комиссия раиси
А.Набиев	- марказлашган молия бухгалтерия хизмати бош хисобчи - комиссия аъзоси
Н.Нишонова	- бўлим мудири ўринбосари - комиссия аъзоси
М.Мирбадалов	- марказлашган молия бухгалтерия хизмати бош иқтисодчиси - комиссия аъзоси
З.Тургунова	Д.Х ва шартномалар бўлими бошлиғи - комиссия аъзоси
Ж.Рахмонов	- маҳсуе таъмирлаш эксплуатация бўлими бошлиғи - комиссия котиби

Кун тартибидаги масала:

Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани ХТБга қаршли 49-мактабга асосий воситалар сотиб олиш бўйича 23.08.2022-йил Лот № 22110012141787 билан электрон давлат харидлари платформасига жойлаштирилга бўлиб, 30.08.2022-йилда тушбу лотга таклифларни қабул қилиш якунланган. Келиб тушган таклифлар харид комиссиясига таклиф этилди. Якуний натижалаарга кўра BUILD TOWN UNIVER MCHJ ғолиб деб топилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзбекистон тумани халқ таълими бўлими мудири Н.Сиддикова Сўзга чиқиб, танлов шаффоф ҳамда талабларга мос ўтганини айтиб ўтди. Шундан сўнг сўз олган комиссияси аъзоси А.Набиев, энг яхшии таклифни танлаш юзасидан муҳокама қиларида ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлиги ҳамда ҳеч қимда эътирозлар йўқлигини айтиб ўтди. Харид Комиссияси танлаш бўйича эътирозлар келиб тушмаганлиги сабабли BUILD TOWN UNIVER MCHJ билан икки томонлама шартнома тузишига келишди.

Н.Сиддикова

Н.Нишонова

А.Набиев

М.Мирбадалов

З.Тургунова